



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 28 - aprel

VI-50-63-11-161-K/22

O'zbekiston tuman hokimligi

“Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”да

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 126-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларни белгилаш, маҳаллий бюджет харажатлари ижроси бўйича ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлиги ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги 249-IV-сонли қарорига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон туманининг маҳаллий бюджетининг 2022 йил I-чорагида шаклланган қўшимча манба маблағлари 127,0 млн сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги 249-IV-сонли қарорининг 5-бандида маҳаллий бюджет қўшимча манбаларидан фойдаланишда қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда, маблағларнинг фақатгина (фавқулодда ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар

бундан мустасно) ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари асосида йўналтирилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси еттинчи хатбошиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш ва бандлигини таъминлаб тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун зарур асбоб ускуналар билан таъминлаш ҳаражатларига йўналтирилиши мумкунлиги.

4. Ўзбекистон туманининг маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1-чорагида шаклланган қўшимча манба маблағлари ҳисобидан 127,0 млн сўм маблағ 1-иловага мувофиқ ташкилот ва муассасаларга ажратилсин.

Бунда, мазкур ҳаражатларни йўналтиришда лойиха смета ҳужжатлари ўзгариши ва кўзда тутилган тадбирларни молиялаштиришда ноаниқликлар юзага келган ҳолларда маблағлар миқдори ва йўналишларига туман ҳокимининг фармойишлари билан ўзгартиришлар киритиш ҳамда фавқулотда ва тезкор ҳолатларда маблағларни туман ҳокимининг қарор (фармойиш)лари асосида йўналтириш назарда тутилсин.

5. Мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ маблағ ажратилаётган ташкилот ва муассаса раҳбарлари ва маъсул ходимларига:

Бунда ажратилган маблағларни самарали фойдаланиш ва унинг белгиланган тартибда мақсадли йўналтирилишини таъминлаш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман Молия бўлими ва ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман ҳокимлигининг Молия бўлими (М.Рўзиматов)га ажратилган маблағлар доирасида ҳаражатлар сметасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман Ғазначилик бўлинмаси (О.Солиев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижонов ва туман молия бўлими мудири М.Рўзиматов билан биргаликда туман маҳаллий

бюджетининг қўшимча манбалари, жумладан даромадлар режасини ошириб бажарилган қисмидан фойдаланиш йўналишлари бўйича хар чорак якуни билан Ҳалқ депутатлари туман кенгашига ахборот киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Кенгаш қарори бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижонов ҳамда халқ депутатлари туман кенгашининг тегишли доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев

Xalq deputatlari O'zbekiston tuman Kengashining
2022 yil 28 apreldagi
VI-50-63-11-161-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил I-чорагида шаклланган даромадлар режасини ортириб
бажарилган қисми хисобидан ажратиладиган маблағлар**

| № | Маблағ ажратилган ташкilot номи | Ажратилган маблағлар мақсади ва йўналиши | Ажратилган маблағ миқдори |
|----------|--|--|--------------------------------------|
| 1 | Хоқимлик | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарoriga асосан "Ёшлар дафтари" жамғармасига (15 фоиз) | 19 000,0 |
| 2 | Хоқимлик | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарoriga асосан "Аёллар дафтари" жамғармасига (15 фоиз) | 19 000,0 |

| | | | |
|---|----------|--|------------------|
| 3 | Хокимлик | ЎРҚ-742-сон Қонунига асосан "Фуқаролар ташаббуси" жамғармаси (30 фоиз) | 38 000,0 |
| 4 | Хокимлик | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда ҳукумат қарор ва фармонларида белгиланган тадбирлар (бошқа харажатлар) га қарздорликларни қоплаш учун ҳамда туман хокимининг ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллари вақтида фуқаролардан тушган муурожаатларни инобатга олиб инфра тузилмасини ривожлантириш харажатларига йўналтирилиши | 51 000,0 |
| | | Жами | 127 000,0 |